

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА  
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.В.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ОМОНТУРДИЕВ СИРОЖИДДИН ЗОИРОВИЧ**

**АЙРИМ ФЛАВОНОИДЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲОСИЛАЛАРИНИ  
КАЛАМУШ АОРТА СИЛЛИҚ МУСКУЛИ ҚИСҚАРИШ  
ФАОЛЛИГИГА ТАЪСИР МЕХАНИЗМИНИ ҚИЁСИЙ ТАВСИФЛАШ**

**03.00.08 - Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Омонтурдиев Сирожиддин Зоирович**

Айрим флавоноидлар ва уларнинг ҳосилаларини каламуш аорта силлик  
мускули қисқариш фаоллигига таъсир механизмини қиёсий  
тавсифлаш.....3

**Омонтурдиев Сирожиддин Зоирович**

Сравнительная характеристика механизма действия некоторых  
флавоноидов и их производных на сократительную активность гладкой  
мускулатуры аорты крысы.....21

**Omonturdiyev Sirojiddin Zoirovich**

Comparative characteristics of the mechanism of action of some flavonoids  
and their derivatives on the contractile activity of rat aortic smooth  
muscle.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА  
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.В.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ОМОНТУРДИЕВ СИРОЖИДДИН ЗОИРОВИЧ**

**АЙРИМ ФЛАВОНОИДЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲОСИЛАЛАРИНИ  
КАЛАМУШ АОРТА СИЛЛИҚ МУСКУЛИ ҚИСҚАРИШ  
ФАОЛЛИГИГА ТАЪСИР МЕХАНИЗМИНИ ҚИЁСИЙ ТАВСИФЛАШ**

**03.00.08 - Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/В403 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [www.ibb-nuu.uz](http://www.ibb-nuu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Усманов Пулат Бекмуратович</b> биология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Позилев Маъмуржон Комилжонович</b> биология фанлари доктори <b>Кулқараев Абдисалим Каримович</b> тиббиёт фанлари номзоди
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Қарши давлат университети</b>

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.В.01.13 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «20» январь соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246-68-96.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти ҳузуридаги Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 22 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246-68-96, e-mail: [ibb-nuu@mail.ru](mailto:ibb-nuu@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил «5» январь кун тарқатилди.  
(2021 йил «5» январдаги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



  
**Сабиров Равшан Заирович**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

  
**Асраров Музаффар Исламович**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.д., профессор

  
**Ахмеджанов Искандар Гулямович**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёнинг кўплаб мамлакатларида касалланиш ва ўлим кўрсаткичи бўйича етакчи ўринни эгаллаб турган юрак-қон томир тизими касалликлари ҳозирги даврнинг энг жиддий, тиббий ва ижтимоий муаммоси ҳисобланади. Ушбу касалликларнинг келиб чиқишининг асосий омили ҳисобланган артериал гипертония, сўнгги йилларда кенг тарқалган<sup>1</sup>. Шунинг ҳисобга олган ҳолда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ушбу касаллик учун фармакотерапия самарадорлигини оширишни биринчи ўринга қўйувчи глобал тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Шу муносабат билан антигипертензив воситаларнинг янги авлодини яратиш ва артериал гипертониянинг олдини олиш ва даволашда янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш замонавий фармакология ва кардиологиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда дунёнинг кўплаб илмий марказларида гипотензив дориларнинг янги авлодини яратишга қаратилган кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга артериал гипертония патогенези билан бевосита боғлиқ бўлган қон-томир касалликларини асосий дисфункциясини олдини олиш учун янги ёндашувларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилган. Бунда, уларнинг функционал фаоллигини таъминлашда иштирок этадиган силлиқ мускул хужайраларининг (СМХ) ион каналлари ва хужайра ичидаги сигнализация тизимлари энг истиқболли йўналиш ҳисобланиб, улардаги камчиликлар ва нуқсонлар эса артериал гипертония ривожланишига олиб келади. Ушбу ёндашув қон томирларнинг асосий нишондаги дисфункциясини тuzатишнинг энг самарали усуллари ишлаб чиқиш ва артериал гипертонияни олдини олиш ва даволаш учун мутлақо янги гипотензив воситаларни яратишни тақазо этади.

Республикамизда юрак қон томир тизими касалликларининг олдини олиш ва даволаш учун маҳаллий ўсимлик хомашёси асосида дори воситаларини яратишга муҳим аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш» га қаратилган энг муҳим вазифалари белгилаб берилган<sup>2</sup>. Бу вазифаларни амалга оширишда ўсимликлардан олинган биологик фаол бирикмаларининг фармакологик таъсир механизмларини аниқлаш ва улар асосида артериал

<sup>1</sup>Rapsomaniki E, Timmis A, George J, et al. Blood pressure and incidence of twelve cardiovascular diseases: lifetime risks, healthy life-years lost, and age-specific associations in 1·25 million people. *Lancet*. 2014, vol 383, pp.1899-911.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони

гипертензиянинг олдини олиш ва даволаш учун янги авлод дори воситаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги «Фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3532-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги «Тиббий-фармацевтика таълими ва илм-фан тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4310-сонли Фармони ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу дисертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда кенг спектрли фармакологик таъсирга эга бўлган ўсимлик флавоноидлари янги гипотензив воситаларни ишлаб чиқиш ва яратишнинг энг истиқболли манбалари бўлиб ҳисобланади. Ушбу тадқиқотлар жараёнида вазорелаксат таъсирга эга бўлган флавоноидларнинг катта миқдори турли хил ўсимликлардан ажратиб олинган (Middleton et al., 2000). Шу билан бирга, кўпгина флавоноидлар потенциал гипотензив таъсирга эга эканлиги аниқланган, бу асосан релаксат фаоллиги билан боғлиқ (Ю.Г.Бирулина, 2016). Шу билан бирга, кўпгина флавоноидларнинг вазорелаксат таъсири мураккаб механизмларга, шу жумладан силлиқ мускул ҳужайраларининг турли хил ион каналлари ва қон томирлар эндотелийсининг модуляциясига асосланганлиги аниқланган (Ndagijimana et al., 2013). Флавоноидларнинг таъсирлари силлиқ мускул ҳужайраларида ички  $Ca^{2+}$  ионларининг концентрациясини пасайтириши, уларнинг релаксацияси ва қон томир тонусини сусайтириши аниқланган (Woodman et al., 2005).

МДХ давлатларида қон томир силлиқ мускулларининг қисқариш фаоллигининг регуляция механизмларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар ҳам бир қатор институтларнинг диққат марказида турибди. Хусусан, Носырев А.В. ва ҳамкасблари сигнал каскадларида ва қон-томир силлиқ мускулларининг нитрат оксиди тизимида бир қатор биологик фаол бирикмалар таъсирининг хусусиятларини аниқлаган (Носырев и др., 2006). Бирулина Ю.Г. ва унинг гуруҳи томонидан қон томир силлиқ мускуллари қисқариш фаоллигинининг регуляция механизмларида калий каналлар ва вазоактив омилларнинг, масалан углерод монооксиди ва водород сульфидларнинг ролини аниқлашга катта ҳисса қўшди (Бирулина и др., 2016).

Республикамизда ўсимлик бирикмалари асосидаги доривор моддалар ишлаб чиқариш ва яратиш бўйича етакчи марказ Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳисобланади. Мазкур Институт ходимлари антиаритмик,

спазмолитик ва гипотензив таъсирга эга бўлган турли хил ўсимликлардан кўплаб алкалоидлар ва флавоноидлар ажратиб олишган (Салимов Б.Т., Султонходжаев М.Н., Эшбакова К.А.). Ушбу бирикмалар аксариятининг таъсир эффекти ва механизмларини Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги Биофизика ва биокимё институти олимлари профессор П.Б.Усманов ва академик Р.З.Сабиоровлар лабораторияларида тавсифланган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация иши бажарилган илмий-тадқиқот институтининг иш режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги Биофизика ва биокимё институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф6-Т083 «Юрак ва силлиқ мускул хужайраларини  $Ca^{2+}$ -гомеостазини биологик фаол моддалар ёрдамида модуляция йўллари излаш ва тавсифлаш» (2012-2016), ФА-А11-Т057 «Табиий ва синтетик биологик фаол моддаларни юқори самарали скрининг марказини ташкил этиш» (2015-2017) ва ФА-Ф-6-004 «Юрак-қон томир касалликларини даволашни адекват йўллари ишлаб чиқиш учун юрак ва силлиқ мушак хужайралари истиқболли нишонларини модуляция механизмларининг комплекс тавсифи» (2017-2020) лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** пуликарин, хризозериол, лютеолин флавоноидлари ва уларнинг ҳосилаларининг релаксант таъсир механизмини қиёсий тавсифлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:** пуликарин, хризозериол, лютеолин флавоноидлари ва уларнинг ҳосилаларини каламуш аортаси калий ва фенилэфрин билан чақирилган қисқариш шароитида релаксант таъсир хусусиятларини тадқиқ қилиш;

пуликарин, хризозериол, лютеолин флавоноидлари ва уларнинг ҳосилаларини релаксант таъсирини таъминлашда СМХ лари плазмалеммасидаги потенциалга боғлиқ ( $Ca^{2+}_L$ ) ва рецептор бошқарувчи ( $Ca^{2+}_R$ )  $Ca^{2+}$ -каналлари,  $Na^+/Ca^{2+}$ -алмашинувчи ва  $K^+$ -каналлари ўрнини аниқлаш;

пуликарин, хризозериол, лютеолин флавоноидлари ва уларнинг ҳосилаларини релаксант таъсирини таъминлашда СМХ ларидаги саркоплазматик ретикулумдаги  $Ca^{2+}$ -ташиш ( $IP_3R$ ,  $Ca^{2+}$ -АТФаза) тизимларининг ўрнини аниқлаш;

пуликарин, хризозериол, лютеолин флавоноидлари ва уларнинг ҳосилаларини релаксант таъсирини таъминлашда қон томирлар эндотелийсининг ролини ўрганиш ҳамда уларнинг кимёвий тузилишига боғлиқлигини таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида *Pulicaria gnaphalodes* ва *Inula caspica* ўсимликларидан ажратиб олинган пуликарин, хризозериол ва лютеолин флавоноидлари ва уларнинг кимёвий структураси ўзгартирилган ҳосилалари, шунингдек каламуш аорта препарати олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** пуликарин, хризоеиол, лютеолин флавоноидлари ва уларнинг ҳосилаларини релаксанти таъсир механизми таъминланишида, плазмалемма ва саркоплазматик ретикулум  $Ca^{2+}$ -транспорт тизими ўрни, бундан ташқари хужайра ички сигнал тизимлари, релаксанти фаоллик билан уларнинг структуравий тузилиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида каламуш аорта препаратлари қисқариш фаоллигини қайд қилиш ва таҳлил қилишда компьютер тизимларидан фойдаланган ҳолда тадқиқот натижалари қайта ишланган бўлиб, замонавий усуллардан фойдаланилган. Каламуш аорта препаратлари қисқариш фаоллигини қайд қилиш механографик усулда амалга оширилган бўлиб, бунда кучланиш FT 03 датчиги ва кучайтиргич P11Тдан фойдаланилган (Grass Technology Inc. USA). Олинган тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Origin 8.6 (OriginLab Corporation, USA) компьютер дастури ёрдамида амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

пуликарин, хризоеиол, лютеолин флавоноидлари ва уларнинг ҳосилаларини СМХ лари ички  $Ca^{2+}$  миқдорини  $[Ca^{2+}]_i$  камайтириши асосида яққол релаксанти таъсир кўрсатиши аниқланган;

флавоноидларнинг релаксанти таъсири КС1-индукциялаган қисқариш шароитида асосан  $Ca^{2+}_L$ -каналлари блокадаси ҳисобига таъминланиши аниқланган;

флавоноидларнинг релаксанти таъсири ФЭ-чақирган қисқариш шароитида  $Ca^{2+}_R$ -каналлари орқали  $Ca^{2+}$  ионлари киришини камайиши ва СРдан уларни ажралишини ингибирланиши ҳисобига юз бериши асосланган;

пуликарин, хризоеиол, лютеолин флавоноидларининг С(3',6), С(7,4') ва С(3',4',7) ҳолатларига ацетил гуруҳини киритиш билан уларни структуравий модификациялаш натижасида флавоноидлар ҳосилаларининг релаксанти фаоллигини кучайишига олиб келганлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

пуликарин, хризоеиол, лютеолин флавоноидлари ва уларнинг ҳосилаларининг релаксанти фаоллиги асосида олинган натижалар уларнинг кимёвий структурасига боғлиқ бўлиб, муҳим амалий аҳамиятга эга,

шу билан бирга, артериал гипертензияни олдини олиш ва даволашда янги самарали гипотензив воситалар ишлаб чиқишда илмий асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотларда замонавий биофизик, физиологик усуллар ва қурилмалар ҳамда уларни қайта ишлаш ва уларнинг ишончлилигини таҳлил қилишни таъминловчи компьютер дастурлари ёрдамида олинганлиги билан тасдиқланади. Шу билан бирга, олинган натижаларнинг ишончлилиги уларнинг республика ва халқаро илмий анжуманлардаги муҳокамаси, натижаларнинг рецензияланган илмий

нашрларда чоп этилиши билан изоҳланади. Ишда хулосалар замонавий математик статистика услубларидан фойдаланилган ҳолда чиқарилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти  $Ca^{2+}_L$ ,  $Ca^{2+}_R$ ,  $K^+$  -каналларининг,  $Na^+/Ca^{2+}$ -алмашувчи тизимнинг ҳамда эндотелийнинг флавоноидларнинг релаксат таъсири асосида ётувчи механизмларни таъминлашдаги ўрни, бундан ташқари қон томирлар силлиқ мускулларини фармакологик бошқаришдаги янги ёндашувлар фундаментал билимларни кенгайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, флавоноидларнинг структурасига ацетил гуруҳларни киритиш билан уларни модификациялаш релаксат фаолликни сезиларли даражада кучайишига олиб келган бўлиб, янги гипотензив воситалар яратиш учун самарали номзодларни ишлаб чиқиш жараёнида флавоноидлар структуравий дизайнини энг мақбул йўллари аниқлашда муҳим амалий аҳамиятга эга.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пуликарин, лютеолин ва хризоеприол флавоноидлари ва улар ҳосилаларини кимёвий структурасига боғлиқ релаксат таъсири тавсифлашда олинган натижалари асосида:

флавоноидларнинг релаксат таъсирининг ўзига хослиги Хитой Фанлар академиясининг Шинжон физика ва кимё техника институтининг мақсадли лойиҳаларида флавоноидларни фармакологик хоссаларини аниқлашда фойдаланилган (Xinjing Technical Institute of Physics and Chemistry of CAS институтининг 2019 йил 25 июндаги маълумотномаси). Натижада қурғоқчил минтақаларда ўсадиган ўсимликлар ишлаб чиқадиган бирикмаларнинг фармакологик таъсирининг ўзига хослиги ҳақидаги маълумотларни кенгайтириш имконини берган;

пуликариннинг L тип  $Ca^{2+}$ -каналлари ва  $Na^+/Ca^{2+}$ -алмашувчи функцияларини модификациялаш орқали аниқланган релаксат фаоллиги ФА-А11-Т040 рақамли «*Pulicaria gnaphalodes* ўсимлиги компонентларидан антиоксидант «Пуликарон» дори воситасини яратиш» фундаментал лойиҳаси доирасида потенциал антиоксидант хоссага эга воситаларни аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йилдаги 15 ноябрдаги 4/1255-3036-сон маълумотномаси). Натижада антиоксидант ва самарали кардиопротектор фаолликка эга бўлган «Пуликарон» дори воситасини яратиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та

мақола, шулардан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қон томирлар силлиқ мускул хужайраларининг тавсифи»** деб номланган биринчи бобида қон томир силлиқ мускулларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг структура тузилиши ва организмда турли хил ҳаётий муҳим функцияларни бажаришидаги ўрни ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Биологик фаол моддаларни релаксанти таъсирини тавсифлаш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида каламуш аорта препаратларини тайёрлаш усуллари ва уларни қисқариш фаоллигини қайд қилишда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар ҳақида маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари кимёвий реагентлар, тадқиқотни амалга оширишда фойдаланилган ион каналлари блокаторлари ва активаторлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Пуликарин, хризозериол, лютеолин флавоноидлари ва уларни ҳосилаларининг релаксанти таъсирини қиёсий тавсифлаш»** деб номланган учинчи бобида каламуш аорта препарати қисқариш фаоллигига пуликарин, хризозериол, лютеолин флавоноидлари ва уларни ҳосилаларининг ўзига хос таъсири ҳақидаги тадқиқот натижалари тақдим этилган. Ушбу бобда тадқиқ қилинаётган флавоноидларнинг релаксанти таъсирини таъминлашда иштирок этувчи потенциалга боғлиқ ( $Ca^{2+}_L$ ) ва рецептор-бошқарилувчи ( $Ca^{2+}_R$ )  $Ca^{2+}$ -каналларини, ҳамда СМХ лари плазмалемма  $K^+$ -каналлари ва  $Na^+/Ca^{2+}$ -алмашинувчи ролини ўрганиш ҳақидаги натижалар тақдим этилган.

Ушбу тадқиқотларда пуликарин, хризозериол, лютеолин флавоноидлари ва уларни ҳосилаларининг КСI ва фенилэфрин-чақирилган контрактуралари шароитида аорта препаратини самарали бўшаштириши, уларнинг релаксанти таъсирга эга эканлигини кўрсатади. Хусусан, пуликарин флавоноиди ва унинг ҳосиласи бўлган диацетат-пуликариннинг релаксанти таъсири ва КСI

билан чақирилган аорта препарати қисқариш кучини дозага боғлиқ самарали камайтириши аниқланди. Пуликарин ва диацетат-пуликариннинг қисқаришни 50% га камайтирувчи концентрацияси  $IC_{50}$  қиймати мос равишда 26,7 мкМ ва 15,6 мкМ ни ташкил этди.

Хризозеориол, лютеолин ва уларнинг ҳосилалари аорта препаратларининг КСI билан чақирилган қисқариш кучини худди шундай камайтириши кузатилди. Шу билан бирга, хризозеориол ва лютеолин ҳосилалари, диацетат-пуликарин пуликарин ҳосиласи каби КСI билан чақирилган аорта препаратлари қисқариш кучини сезиларли даражада камайтириши аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

**Каламуш аорта препарати КСI- ва фенилэфрин билан чақирилган қисқариш шароитида пуликарин, хризозеориол, лютеолин флавоноидлари ва уларни ҳосилаларининг релаксанти таъсири**

Флавоноидлар	Релаксанти эффекти %					
	КСI (50 мМ)			ФЭ I (мкМ)		
	Концентрация	$E_{max}$	$IC_{50}$	Концентрация	$E_{max}$	$IC_{50}$
Пуликарин	50 мкМ	72,8±3,1%	26,7 мкМ	20 мкМ	66,6±3,3%	8,5 мкМ
Диацетат-пуликарин	40 мкМ	83,9±3,7%	15,6 мкМ	20 мкМ	79,8±3,1%	9,1 мкМ
Хризозеориол	60 мкМ	74,8±3,2%	23,4 мкМ	20 мкМ	64,4±3,6%	7,6 мкМ
5-гидрокси-3'-метокси-7,4'-диацетил оксифлавонон	45 мкМ	83,9±3%	17,4 мкМ	20 мкМ	78±3,5%	8,9 мкМ
Лютеолин	70 мкМ	76,6±3,5%	34,5 мкМ	20 мкМ	66,7±3,8%	9,9 мкМ
5-гидрокси-7,3',4'-триацетил-оксифлавонон	30 мкМ	87,8±4%	13,3 мкМ	20 мкМ	75,8±2,9%	12,3 мкМ


Изох: Кребс эритмасига 50 мМ КСI ва 1 мкМ фенилэфрин қўшилиши билан аорта препаратларида қисқариш чақирилган;  $E_{max}$ - флавоноидларнинг максимал релаксанти эффекти;  $IC_{50}$  - флавоноидларнинг максимал эффектига нисбатан 50%га сусайтирувчи концентрацияси.

Ушбу экспериментлар серияси натижалари шундан далолат берадики, ўрганилаётган флавоноидлар аниқ релаксанти таъсирга эга эканлиги аниқланди. Шунингдек, ушбу эксперимент натижалари шуни кўрсатадики, пуликарин, хризозеориол ва лютеолин флавоноидлари структураларининг модификацияси яъни, уларнинг структураларидаги С(3',6), С(7,4') ва С(3',4',7) ҳолатига ацетил гуруҳларнинг киритиш йўли билан мос равишда уларнинг ҳосилаларини релаксанти фаоллигининг сезиларли даражада ортишига олиб келади.

Ўрганилаётган флавоноидлар ҳосилаларининг релаксанти фаоллиги ортишини кузатилишида ацетил гуруҳларининг киритилиши, уларнинг

липофиллигини ошириши билан боғлиқ бўлиши мумкин, яъни уларнинг мембрана ва релаксат фаоллигини кучайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Шунингдек, гиперкалийли эритма (50 мМ КСl) билан чақирилган аорта препаратига қисқариш асосан  $\text{Ca}^{2+}_L$ -каналлари орқали СМХ ларига  $\text{Ca}^{2+}$  ионларини киришини таъминлаши сабабли ушбу натижалар шундан далолат берадики, ўрганилган флавоноидлар таъсири уларнинг ушбу каналлар билан ўзаро боғлиқ эканлигини кўрсатади. Ўрганилган флавоноидларнинг релаксат таъсирини таъминлашда  $\text{Ca}^{2+}_L$ -каналларининг иштирокини текшириш учун 50 мМ КСl ни ўз ичига олган, кальцийсиз муҳитга  $\text{CaCl}_2$  нинг кумулятив қўшилиши натижасида юзага келадиган аорта препаратлари қисқаришига уларнинг таъсири ўрганилди. Ушбу тажрибаларда инкубация муҳитида  $\text{CaCl}_2$  (0-2,5 мМ) концентрациясининг ортиши  $\text{Ca}^{2+}_L$ -каналлари орқали  $\text{Ca}^{2+}$  ионларининг кириб бориши сабабли аортанинг қисқариш кучини босқичма-босқич ошириб бориши кузатилди (1-расм, А).



**1-расм. Пуликарин ва диацетат-пуликарин флавоноидлари релаксат таъсирининг  $\text{Ca}^{2+}$  концентрациясига ва  $\text{Ca}^{2+}_L$ -каналларига боғлиқлиги.** А- Кребс эритмаларига  $\text{CaCl}_2$  ни кумулятив қўшиш билан чақирилган каламуш аортаси қисқаришига пуликарин (50 мкМ) ва диацетат-пуликарин (40 мкМ) нинг таъсири. Ордината ўқида - аорта қисқариш кучи. Абсцисса ўқида -  $\text{CaCl}_2$  концентрацияси келтирилган. Б-верапамил (0,1 мкМ) мавжуд шароитда 50 мМ КСl ёрдамида чақирилган мускул қисқаришига пуликарин (26,7 мкМ) ва диацетат-пуликарин (15,6 мкМ) релаксат таъсири (барча ҳолатларда ишончлилик кўрсаткичи \* $p < 0,05$ , \*\* $p < 0,01$ ;  $n = 5-6$ ).

Ушбу тажрибаларда, ўрганилган флавоноидлар ва уларнинг ҳосилаларини инкубация муҳитига қўшилиши  $\text{CaCl}_2$  нинг кўпайишига жавобан қисқаришнинг ривожланишини сезиларли даражада камайтириши кузатилди. 1,А-расмда кўрсатилганидек, 50 мкМ пуликарин ва 40 мкМ диацетат-пуликарин иштирокида, аорта препаратларининг  $\text{Ca}^{2+}$  таъсирида қисқариш кучи назоратга нисбатан мос равишда  $72,8 \pm 4,2\%$  ва  $81,8 \pm 2,9\%$  га камайди. Аорта препаратларининг  $\text{Ca}^{2+}$ -чақирилган қисқариш кучини

хризозэриол, лютеолин ва уларнинг ҳосилалари ҳам худди шундай камайтириши аниқланди.

Ушбу натижалар шуни кўрсатадики, ўрганилган флавоноидларнинг релаксант таъсири  $Ca^{2+}_L$ -каналларининг блокадаси билан боғлиқ бўлиши мумкин, бу эса СМХ га  $Ca^{2+}$  ионлари киришининг камайиши, улардаги  $[Ca^{2+}]_i$  миқдорининг пасайиши ва натижада уларнинг қисқариш фаоллигини камайтириши билан боғлиқ бўлади.


Флавоноидлар ва уларнинг ҳосилаларининг релаксант таъсирини таъминлашда  $Ca^{2+}_L$ -каналларининг ролини аниқлаштириш учун уларнинг эффектини ушбу каналлар блокатори верапамил (ВП) иштирокида ўрганилди. Ушбу тажрибаларда, 0,1 мкМ ВП иштирокида пуликарин (26,7 мкМ) ва диацетат-пуликарин (15,6 мкМ) таъсирлари назоратга нисбатан мос равишда  $11,9 \pm 4,1\%$  ва  $15,8 \pm 4,1\%$  га каматириши кузатилди (1-расм, Б). Шунингдек, КСI билан чақирилган аорта қисқариш кучига хризозэриол, лютеолин ва уларнинг ҳосилаларининг эффектига ВП таъсири борлиги қайд қилинди.

Ушбу тажрибаларнинг натижалари шуни кўрсатадики, ўрганилган флавоноидлар ва уларни ҳосилаларининг релаксант таъсири ҳақиқатдан ҳам  $Ca^{2+}_L$ -каналлари блокадаси ва СМХ ларига  $Ca^{2+}$  ионлари киришининг камайиши билан боғлиқ. Бироқ, ВП иштирокида тадқиқ қилинган флавоноидларнинг релаксант эффекти қисман сақланиб қолиши  $Ca^{2+}_L$ -каналларининг блокадаси билан бир қаторда СМХ ларига  $Ca^{2+}$  ионлари транспортининг бошқа механизмларининг иштироки ҳам мавжуд эканлигидан далолат беради.

СМХда  $Ca^{2+}$  гомеостазини бошқарилишида  $Ca^{2+}_L$ -каналлари билан бир қаторда рецепторга боғлиқ  $Ca^{2+}$  каналлари ( $Ca^{2+}_R$ ) ҳам муҳим рол ўйнайди, уларнинг фаоллашиши  $\alpha$ -адренорецепторлари стимуляциси натижасида юзага келади (McFadzean & Gibson, 2002; Jackson, 2000). Шу сабабли  $\alpha$ -адренорецепторлар агонисти фенилэфрин (ФЭ) ёрдамида чақирилган аорта препарати қисқаришига ўрганилган флавоноидларнинг релаксант фаоллигини таъминлашда  $Ca^{2+}_R$ -каналларининг иштироки ўрганилди. Ушбу тажрибаларда, пуликарин ва диацетат-пуликарин ФЭ ёрдамида чақирилган аорта препарати қисқаришини мос равишда назоратдагига нисбатан  $66,6 \pm 3,3\%$  ва  $79,8 \pm 3,1\%$  га сусайтириши аниқланди (2-расм, А). Худди шундай, ФЭ ёрдамида чақирилган аорта препаратлари қисқариш кучини сусайтириши, хризозэриол, лютеолин ва уларнинг ҳосилаларида ҳам кузатилди. Ушбу тажриба натижалари шуни кўрсатадики, ўрганилган флавоноидлар ФЭ ёрдамида чақирилган аорта препарати қисқаришини самарали сусайтиради, бу эса асосан плазмалеммадаги  $Ca^{2+}_R$ -каналлари орқали кирадиган  $Ca^{2+}$  ионлари билан таъминланади.

Ушбу натижалар  $\alpha$ -адренорецепторлар блокатори фентоламин (ФА) билан олиб борилган тажрибалар тасдиқлайди, бунда пуликарин ва диацетат-пуликариннинг 20 мкМ таъсирида ФА иштирокида олинган натижалар ФЭ-

чақирилган аорта препарати қисқариш кучини назоратга нисбатан мос равишда,  $12,1 \pm 4,2\%$  ва  $32,5 \pm 3,8\%$  га камайтириши аниқланди (2-расм, Б).




**2-расм. Пуликарин ва диацетат-пуликарин флавоноидларининг фенилэфрин билан чақирилган каламуш аорта препарати қисқариш кучига таъсири.** А-пуликарин (20 мкМ) ва диацетат-пуликариннинг (20 мкМ), 1 мкМ верапамил мавжуд шароитда ФЭ билан чақирилган каламуш аортаси қисқаришига таъсири. Ордината ўқида - аорта қисқариш кучи. Абсцисса ўқида-флавоноидлар концентрацияси. Б-пуликарин (20 мкМ) ва диацетат-пуликариннинг (20 мкМ) релаксат эффектига фентоламиннинг (10 мкМ) таъсири. Ордината ўқида - верапамил мавжуд бўлмаган шароитда ФЭ билан чақирилган каламуш аорта препарати қисқариш кучи 100% деб олинган (барча ҳолатларда ишончлилик кўрсаткичи \* $p < 0,05$ , \*\* $p < 0,01$ ;  $n = 5-6$ ).

Шунингдек, ФЭ-ёрдамида чақирилган аорта препарати қисқариш кучига хризозеин, лютеолин ва уларнинг ҳосилаларининг эффектига ФА нинг таъсири бор эканлигини кўрсатади. Мазкур тажрибалар серияси натижалари тадқиқ қилинаётган флавоноидларнинг релаксат таъсири таъминлашда қўшимча  $Ca^{2+}_R$ -каналларининг иштироки мавжуд эканлигидан далolat беради. Шундай қилиб, КСI- ва ФЭ- чақирган қисқариш шароитида бажарилган эксперимент натижалари шуни исботлайдики, яъни тадқиқ қилинаётган флавоноидлар релаксат таъсири асосида СМХ ларида  $[Ca^{2+}]_i$  миқдорининг камайиши ётади, бу эса  $Ca^{2+}_L$ - ва  $Ca^{2+}_R$ -каналлари орқали  $Ca^{2+}$  ионлари киришининг блокадаси билан таъминланади.

Шу билан бир қаторда қон томир СМХ ларида  $[Ca^{2+}]_i$  регуляцияси силлиқ мускулларда  $Ca^{2+}$  ионларининг мувозанатини сақлаш ва уларнинг қисқариш фаоллигини тартибга солишда  $Na^+/Ca^{2+}$ -алмашинувчи ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади (Philipson, 2002; Zhao et al., 2008). Ўрганилган флавоноидларнинг релаксат таъсирида  $Na^+/Ca^{2+}$ -алмашинувчининг иштирокини аниқлаш учун уларнинг  $Na^+/Ca^{2+}$ -алмашинуви орқали СМХ га кирадиган  $Ca^{2+}$  ионлари билан таъминланишини  $Na^+$  ионларисиз, Кребс эритмаси билан чақирилган аорта препаратлари қисқаришларига таъсири ўрганилди (Zhao and Majewski, 2008; Tykocki et al., 2012). Ушбу тажрибаларда пуликарин ва диацетат-пуликарин  $Na^+$  ионларисиз, Кребс

эритмаси билан чақирилган аорта препарати қисқариш кучини назоратга нисбатан мос равишда  $71,6 \pm 2,7\%$  ва  $79,5 \pm 3,1\%$  га сусайтириши аниқланди (3-расм, А). Шунингдек, хризозеориол, лютеолин ва уларнинг ҳосилалари  $\text{Na}^+$  ионларисиз, чақирилган аорта препарати қисқариш кучига юқоридагига ўхшаш таъсир кўрсатди.



**3-расм.** Пуликарин ва диацетат-пуликарин флавоноидларини  $\text{Na}^+$ -сиз Кребс эритмаси билан чақирилган каламуш аортаси қисқариш кучига таъсири. А-пуликарин ва диацетат-пуликариннинг  $\text{Na}^+$ -ионларисиз Кребс эритмаси билан чақирилган каламуш аортаси қисқариш кучига таъсири. Ордината ўқида-  $\text{Na}^+$ -ионларисиз, Кребс эритмаси билан чақирилган аорта қисқариш кучи, Обсциса ўқида- флавоноидлар концентрацияси. Б- $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашинувчи блокатори КВ-R7943 (30 мкМ) мавжуд шароитда  $\text{Na}^+$ -ионларисиз, Кребс эритмаси билан чақирилган каламуш аорта препарати қисқаришига пуликарин (20 мкМ) ва диацетат-пуликарин (20 мкМ) нинг таъсир эффекти. Ордината ўқида-аорта қисқариш кучи 100% деб ифодаланган (\* $p < 0,05$ , \*\* $p < 0,01$ ;  $n = 5-6$ ).


Ушбу тажриба натижалари шуни кўрсатадики ўрганилган флавоноидлар  $\text{Na}^+$  ионларисиз чақирилган аорта препаратларининг қисқаришини сезиларли сусайтириши аниқланди. Ўрганилган флавоноидларнинг  $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашинувчи орқали  $\text{Ca}^{2+}$  ионларининг ташилишига таъсирини кўшимча тасдиқлаш учун унинг блокатори- КВ-R7943 билан тажрибалар ўтказилган, блокатор мавжуд шароитда  $\text{Na}^+$  ионларисиз чақирилган аорта препаратлари қисқариш кучига флавоноидларнинг таъсир эффектлари камайган (3-расм, Б). Ушбу тажрибалар натижаларида ўрганилган флавоноидларни релаксанти таъсирини таъминланишида  $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашинувчи иштироки борлигидан далолат беради.

Олинган тажриба натижалари таҳлили асосида ўрганилган флавоноидларнинг релаксанти таъсири фақат  $\text{Ca}^{2+}_L$ - ва  $\text{Ca}^{2+}_R$ -каналлар блокадаси билан эмас СМХ плазмолеммасидаги  $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашинув тизими билан боғлиқ деган хулосага келиш имконини беради.

Калий каналлари  $\text{Ca}^{2+}_L$ - ва  $\text{Ca}^{2+}_R$ -каналлари, шунингдек СМХ плазмалеммасидаги  $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашинувчини тартибга солишда муҳим рол ўйнайди ва бу мембрана потенциали модуляцияси натижасида таъминланади

(Murphy & Brayden, 1996). Шу сабабли, текширилган флавоноидларнинг релаксат таъсирини таъминлашда калий каналларининг иштирокини ўрганиш учун уларни потенциалга боғлиқ ( $K_V$ ) ва АТФ-га боғлиқ ( $K_{ATP}$ ) каналлари блокаторлари глибенкламид ва тетраэтиламмоний (ТЭА) билан ўрганилди. Бунда КСI билан чақирилган аорта препаратларининг қисқариш кучига 1 мМ ТЭА мавжуд шароитда 30 мкМ пуликарин ва унинг ҳосиласи диацетат-пуликариннинг таъсири назоратга нисбатан  $13\pm 3,2\%$  ва  $10,8\pm 3,8\%$  га камайганлиги аниқланди (4-расм, А). Аорта препаратларининг КСI билан чақирилган қисқариш кучига 1 мМ ТЭА мавжуд шароитда хризозеориол, лютеолин ва уларнинг ҳосилалари ҳам шунга ўхшаш таъсир қилди. Ўрганилган флавоноидларнинг релаксат таъсирига  $K_{ATP}$ -каналли блокатори глибенкламид билан янада сезиларли таъсир кўрсатди. Бунда КСI билан чақирилган аорта препаратлари қисқариш кучини 12 мкМ глибенкламид мавжуд шароитда 20 мкМ пуликарин ва унинг ҳосиласи диацетат-пуликариннинг таъсири назоратга нисбатан мос равишда  $18,8\pm 3,2\%$  ва  $23,2\pm 3,9\%$  га камайтирилганлиги аниқланди (4-расм, Б).

Шу каби тажрибаларда хризозеориол, лютеолин ва уларнинг ҳосилалари ҳам глибенкламиднинг таъсирига ўхшаш аналогик таъсир кўрсатиши кузатилди.



**4-расм.  $K^+$ -канал блокаторлари тетраэтиламмоний ва глибенкламиднинг КСI билан чақирилган каламуш аорта препарати қисқариши шароитида пуликарин ва диацетат-пуликарин флавоноидларини релаксат фаоллигига таъсири.** А-20 мМ КСI билан чақирилган каламуш аорта препарати қисқариш кучига пуликарин (30 мкМ) ва диацетат-пуликариннинг (30 мкМ) релаксат эффектига ТЭА (1 мМ) нинг таъсири. Б- 20 мМ КСI ёрдамида чақирилган каламуш аорта препарати қисқариш кучига пуликарин ва диацетат-пуликариннинг релаксат эффектига глибенкламид (12 мкМ) нинг таъсири. Ордината ўқида- КСI 20 мМ билан чақирилган аорта қисқариш кучи 100% деб ифодаланган (\* $p < 0,05$ , \*\* $p < 0,01$ ;  $n = 5-7$ ).

Мазкур эксперимент натижалари шуни кўрсатадики, ўрганилган флавоноидларнинг релаксат таъсирида  $K_V$ -каналли блокатори ТЭА га нисбатан  $K_{ATP}$ -каналли блокатори глибенкламид мавжуд шароитда сезиларли даражада камайтириши аниқланди. Олинган маълумотлардан келиб чиқиб,

ўрганилган флавоноидларнинг релаксанти таъсирини таъминлашда СМХ лари  $K_{ATP}$ -каналлари муҳим рол ўйнаши мумкин. Шунингдек, флавоноидларнинг  $K_{ATP}$  каналлари билан ўзаро алоқаси ва уларни фаоллаштириш орқали СМХ лари мембранасининг гиперполяризациясига,  $Ca^{2+}_L$ -каналларининг инактивациясига,  $[Ca^{2+}]_i$  нинг камайиши ва силлиқ мускулларнинг бўшашишига сабаб бўлиши мумкин

Диссертациянинг «Пуликларин, хризозэриол, лютеолин флавоноидлари ва уларни ҳосилаларининг релаксанти таъсирини таъминлашда эндотелий ва саркоплазматик ретикулум  $Ca^{2+}$ -транспорт тизимлари ролини ўрганиш» деб номланган тўртинчи бобида қон томирлар эндотелий ва саркоплазматик ретикулум  $Ca^{2+}$ -транспорт тизимлари функциясига пуликларин, хризозэриол, лютеолин флавоноидлари ва уларнинг ҳосилаларининг таъсирини тавсифлаш учун олиб борилган тадқиқот натижалари тақдим этилган.


СМХларининг қисқариш фаоллигини таъминлашда саркоплазматик ретикулум  $Ca^{2+}$ -транспорт тизимларининг муҳим аҳамиятини ҳисобга олиб (Wier et al., 1992). Ўрганилаётган флавоноидларнинг релаксанти таъсирини кальцийсиз Кребс эритмасида ФЭ-чақирган аорта препарати қисқаришига таъсири ўрганилди. Ушбу шароитда ФЭ-чақирган аорта препарати қисқариши асосан  $CP$  дан  $IP_3R$  орқали чиқувчи  $Ca^{2+}$  ионлари орқали таъминланади (Tukoski et al., 2013). Бунда 20 мкМ пуликларин ва диацетат-пуликларин иштирокида ФЭ билан чақирилган аорта препаратлари қисқариш кучини назоратга нисбатан мос равишда  $64,5 \pm 3,3\%$  ва  $77,7 \pm 3,4\%$  га камайтириши аниқланди. Хризозэриол, лютеолин ва уларнинг ҳосилалари ФЭ билан чақирилган аорта препаратлари қисқариш кучини худди шундай камайтириши кузатилди.

Ушбу олинган натижалар шундан далолат берадики, ўрганилган флавоноидлар  $Ca^{2+}$  ионларисиз Кребс эритмаларида ФЭ билан чақирилган аорта препаратлари қисқаришини самарали равишда камайтиради, бу эса асосан  $IP_3R$  орқали  $CP$  дан чиқарилган  $Ca^{2+}$  ионлари билан таъминланади. Флавоноидларнинг  $CP$  дан  $Ca^{2+}$  ионлари чиқишига таъсирини кўшимча тасдиқлаш учун кофеин билан чақирилган аорта препарати қисқаришига таъсири ўрганилди (Watanabe et al., 1992). Ушбу тажрибаларда кальцийсиз Кребс эритмаларида аввалдан 20 мкМ пуликларин ва диацетат-пуликларин билан инкубация қилинганда кофеин томонидан чақирилган аорта препаратларининг қисқариш кучини назоратга нисбатан мос равишда  $80,3 \pm 2,6\%$  ва  $88,1 \pm 2,1\%$  га камайтириши кузатилди. Хризозэриол ва лютеолин, шунингдек уларнинг ҳосилалари, аорта препаратларининг кофеин таъсирида қисқариш кучини худди шундай камайтириши аниқланди.

Ушбу тажрибалар тадқиқ қилинган флавоноидларнинг  $IP_3R$  орқали  $CP$  дан  $Ca^{2+}$  ионларини чиқарилишини ингибирлаши орқали аорта препаратларининг ФЭ ва кофеин таъсирида қисқаришини камайтириши мумкинлигига кўшимча далиллар ҳисобланади. Олинган натижалар

кўрсатадики, ўрганилган флавоноидларнинг релаксантик эффекти CP дан  $Ca^{2+}$  ионларининг чиқишини таъминловчи  $IP_3R$  функциясининг модификацияси билан боғлиқ бўлиши мумкин.

СМХларининг қисқариш фаоллигида эндотелий хужайралари муҳим роль ўйнайди ҳамда бир қатор вазоактив омилларни юзага келтириш орқали СМХ нинг функционал ҳолатини модуляция қилиш ва қон томир тонусини ушлаб туришни таъминлайди (Baretella & Vanhoutte, 2016). Улардан асосий ролни азот оксиди (NO) ўйнайди, у эндотелий хужайраларида NO синтаза (NOS) ёрдамида синтезланади ва қон томир силлиқ мускуллари бўшашишида асосий воситачи ҳисобланади (Bredt & Snyder, 1994; Francis et al., 2010). Шу сабабли ўрганилаётган флавоноидларнинг релаксантик таъсирини таъминлашда эндотелийнинг иштирокини текшириш учун эндотелий қавати олиб ташланган аорта препаратларида тажрибалар амалга оширилди. Ушбу тажрибаларда эндотелийсиз препаратларда пуликарин (20 мкМ) ва унинг ҳосиласи диацетат-пуликарин (20 мкМ) ФЭ билан чақирилган қисқариш кучини  $29,5 \pm 3,7\%$  ва  $33,3 \pm 3,7\%$  га, эндотелий қавати мавжуд препаратларда флавоноидларнинг таъсири мос равишда  $74,6 \pm 3,1\%$  ва  $88,0 \pm 3,1\%$  ни ташкил қилди (5-расм, А).



**5-расм. Пуликарин ва диацетат-пуликарин флавоноидларининг релаксантик таъсири эндотелий функционал фаоллигига боғлиқлиги.** А-пуликарин ва диацетат-пуликариннинг ФЭ билан чақирилган аорта препарати қисқаришига эндотелий мавжуд (+) ва мавжуд бўлмаган (-) шароитдаги таъсири. Б-L-NAME (100 мкМ) нинг пуликарин ва диацетат-пуликарин эффектига ФЭ билан чақирилган аорта препарати қисқаришига таъсири. Ордината ўқида - 1 мкМ ФЭ билан чақирилган аорта препаратларининг қисқариш кучи фоизда ифодаланган ва 100% деб қабул қилинган (\*  $p < 0,05$ , \*\*  $p < 0,01$ ;  $n = 5$ ).

Ушбу тажриба натижалари асосида ўрганилган флавоноидларнинг релаксантик таъсирини таъминланишида эндотелийнинг ролини муҳимлигини кўриш мумкин. Бу эса NO-синтаза ингибитори - L-NAME (L-аргининнинг

структуравий аналог) иштирокидаги ўтказилган тажрибаларда ҳам тасдиқланган. Тажрибаларда 100 мкМ L-NAME мавжуд шароитда пуликарин (20 мкМ) ва унинг ҳосиласи диацетат-пуликарин (20 мкМ) эффектлари ФЭ ёрдамида чақирилган аорта препаратлари қисқариш кучини  $74,6 \pm 3,1\%$  ва  $88,0 \pm 3,1\%$  дан  $39,4 \pm 3,5\%$  ва  $29,3 \pm 3,2\%$  гача камайтириши аниқланди (5-расм, Б).

Тажриба, натижалари шуни кўрсатдики ўрганилган флавоноидлар ва уларнинг ҳосилалари кучли релаксанти таъсирга эга бўлиб бу эса эндотелийга боғлиқ жараёнлар асосида амалга ошади. Флавоноидларнинг релаксанти таъсири эндотелий олиб ташланган ва L-NAME мавжуд шароитда сусайтириши, NO-синтаза ролининг муҳимлигини кўрсатади. NO-синтаза ва sGC/cGMP/PKG сигнал йўлини фаоллаштириб, улар плазмалеммадаги  $Ca^{2+}_L$  ва  $Ca^{2+}_R$ -каналлари орқали  $Ca^{2+}$  ионларининг киришини сусайишига ёрдам беради, шунингдек уларнинг СРдан чиқарилишига тўсқинлик қилади, бу эса СМХда  $[Ca^{2+}]_i$  даражасининг пасайиши ва силлиқ мускулларнинг бўшашишига олиб келади. Шундай қилиб, ушбу олинган тажрибалар натижалари шуни кўрсатадики, пуликарин, хризоеориол, лютеолин флавоноидлари ва уларнинг ҳосилалари релаксанти таъсирга эга бўлиб, ушбу таъсирнинг таъминланишида кўплаб механизмлар иштирок этади. Тадқиқ қилинаётган флавоноидларнинг ушбу таъсири асосида СМХ ларидаги  $[Ca^{2+}]_i$  даражасининг пасайишига асосланади, бу эса КСI-чақирилган қисқариш шароитда  $Ca^{2+}_L$ -каналлари блокадаси билан таъминланади.

ФЭ ёрдамида чақирилган қисқариш шароитида  $Ca^{2+}_R$ -каналлари орқали  $Ca^{2+}$  ионлари оқимининг камайиши ва уларнинг СРдан чиқарилишининг ингибирланиши, ўрганилган флавоноидлар таъсирида СМХ ларидаги  $[Ca^{2+}]_i$  даражасини сусайишини таъминлаши мумкин. Эндотелийсиз ва L-NAME мавжуд шароитда ўрганилган флавоноидларнинг релаксанти таъсирининг сезиларли даражада камайиши, NO ва sGC/cGMP/PKG сигнал тизими иштирокидан далолат беради. Ушбу флавоноидлар NO-синтаза ва sGC/cGMP/PKG сигнал тизимини фаоллаштириш орқали плазмалеммадаги  $Ca^{2+}_L$  ва  $Ca^{2+}_R$ -каналлари шунингдек СМХ ларидаги  $[Ca^{2+}]_i$  даражасининг пасайтириши билан бирга саркоплазматик ретикулумнинг  $IP_3R$  инактивациясини таъминлаши мумкин. Ушбу флавоноидларнинг релаксанти таъсирида,  $K^+_{ATP}$  каналлари ҳам муҳим рол ўйнаши мумкин, бу уларни фаоллаштириш орқали СМХлари мембранасининг гиперполяризация ва  $Ca^{2+}_L$ -каналларини инактивациясини келтириб чиқариши мумкин. Ўз навбатида  $Ca^{2+}_L$  каналларини инактивацияси, СМХларига  $Ca^{2+}$  ионларининг етказилиб берилишининг пасайиши, улардаги  $[Ca^{2+}]_i$  даражасининг пасайиши ва уларнинг бўшашишига олиб келиши мумкин. КСI- ва ФЭ-билан чақирилган қисқариш шароитида барча ўрганилаётган флавоноидларнинг эффекти, уларнинг ҳосилаларида янада яққолроқ кўринган, бу эса уларнинг структурасида ацетил гуруҳининг мавжудлиги билан изоҳланади, шу сабабли уларнинг юқори липофиллиги мос равишда мембрана ва релаксанти

фаоллигини таъминлаши мумкин. Шу билан бирга лютеолин флавоноидининг тузилишига С (3',4',7) ҳолатдаги уч ацетил гуруҳининг киритилиши орқали модификация қилиниши барча экспериментал шароитда 5-гидрокси-7,3',4'-триацетилоксифлавоноиднинг эффеқтини сезиларли даражада 15-20% га кучайишига олиб келади.

## ХУЛОСАЛАР

1. Пуликарин, хризозеориол, лютеолин флавоноидлари ва уларнинг ҳосилалари яққол намоён бўлган релаксанти таъсирга эга бўлиб, унинг асосида силлиқ мускул ҳужайралари  $[Ca^{2+}]_i$  миқдорининг камайиши ётади ва буни таъминлашда бир қанча механизмлар иштирок этади.

2. Флавоноидларнинг КСI-билан чақирилган қисқариш шароитидаги таъсири силлиқ мускул ҳужайраларидаги  $[Ca^{2+}]_i$  миқдорини камайиши, асосан плазмалеммадаги  $Ca^{2+}_L$ -каналлари орқали  $Ca^{2+}$  ионлари киришини сусайтириши сабабли таъминланади.

3. Флавоноидларнинг фенилэфрин ёрдамида чақирилган қисқариш шароитидаги таъсири силлиқ мускул ҳужайраларидаги  $[Ca^{2+}]_i$  миқдорини камайиши,  $IP_3R$  орқали саркоплазматик ретикулумдан ҳамда  $Ca^{2+}_R$ -каналларидан  $Ca^{2+}$  ионлари киришини ингибирланиши туфайли таъминланган бўлиши мумкин.

4. Флавоноидларнинг релаксанти таъсири эндотелийга боғлиқ бўлиб, у силлиқ мускул ҳужайралари плазмалеммасидаги  $Ca^{2+}_L$ - каналлари ва NO/sGC/cGMP/PKG сигнал системалари, ҳамда саркоплазматик ретикулумдаги  $IP_3R$  инактивацияси билан биргаликда фаоллашувчи йўллари билан боғлиқдир.

5. Пуликарин, хризозеориол ва лютеолин флавоноидларининг структураси С(3',6), С(7,4') ва С (3',4',7) ҳолатига ацетил гуруҳларини киритиш йўли билан модификациялаш уларнинг ҳосилаларида релаксанти фаоллиги нисбатан кучайишини таъминлади.

6. Флавоноидларнинг ҳосилаларида релаксанти фаоллигини кучайиши уларнинг структурасида ацетил гуруҳларнинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлиб, шу сабабли уларнинг юқори липофиллиги ва мос равишда уларнинг мембрана фаоллиги таъминланади.

7. Лютеолин флавоноидининг ҳосиласи -5-гидрокси-7,3',4'-триацетилоксифлавоноид кучлироқ релаксанти фаоллигини намоён қилиб, келгусида етакчи бирикма сифатида янги самарали гипотензив воситаларини яратишда асос бўлиши мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.В.01.13 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ИНСТИТУТА БИОФИЗИКИ И БИОХИМИИ  
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**ИНСТИТУТ БИОФИЗИКИ И БИОХИМИИ**

**ОМОНТУРДИЕВ СИРОЖИДДИН ЗОИРОВИЧ**

**СРАВНИТЕЛЬНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА МЕХАНИЗМА  
ДЕЙСТВИЯ НЕКОТОРЫХ ФЛАВОНОИДОВ И ИХ ПРОИЗВОДНЫХ  
НА СОКРАТИТЕЛЬНУЮ АКТИВНОСТЬ ГЛАДКОЙ  
МУСКУЛАТУРЫ АОРТЫ КРЫСЫ**

**03.00.08 - Физиология человека и животных**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.4.PhD/B403.

Диссертация выполнена в Институте биофизики и биохимии при Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета [www.ibb-nuu.uz](http://www.ibb-nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

Научный руководитель:	Усманов Пулат Бекмуратович доктор биологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Позидов Маъмуржон Комилжонович доктор биологических наук Кулкарраев Абдисалим Каримович кандидат медицинских наук
Ведущая организация:	Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится «20» января 2021 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.B.01.13 при Институте Биофизики и биохимии, Национальном университете Узбекистана. Адрес: 100174, г.Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, улица Университетская, 174. Тел.: (+99871) 246-68-96.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института Биофизики и биохимии при Национальном университете Узбекистана (зарегистрировано под № 22). Адрес: 100174, г.Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, Университетская, 174. Тел.: (+99871) 246-68-96, e-mail: [ibb-nuu@mail.ru](mailto:ibb-nuu@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: «5» января 2021 г.  
(реестр протокола рассылки № «\_\_\_\_\_» от «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021).



  
Сабилов Равшан Заирович  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., академик

  
Асраров Музаффар Исламович  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., профессор

  
Ахмеджанов Искандар Гулямович  
Председатель Научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Заболевания сердечно-сосудистой системы, которые продолжают сохранять ведущие позиции в общей структуре заболеваемости и смертности в большинстве стран мира, являются важнейшей медико-социальной проблемой современности. Ведущим фактором риска развития сердечно-сосудистых заболеваний является артериальная гипертензия, которая в последние годы имеет тенденцию широкого распространения<sup>1</sup>. Учитывая это, ВОЗ разработала глобальный план действий, в котором повышению эффективности фармакотерапии этого заболевания, отводится первостепенное значение. В связи с этим создание нового поколения антигипертензивных средств и разработка новых подходов профилактики и терапии артериальной гипертензии является одной из актуальных проблем современной фармакологии и кардиологии.

Во многих научных центрах мира ведутся широкомасштабные исследования, направленные на создание нового поколения гипотензивных средств. Особое внимание при этом уделяется разработке новых подходов коррекции нарушений функции ключевых мишеней кровеносных сосудов, с которыми непосредственно связан патогенез артериальной гипертензии. При этом в качестве наиболее перспективных мишеней рассматриваются ионные каналы и внутриклеточные сигнальные системы гладкомышечных клеток, которые играют важную роль в обеспечении их функциональной активности, а их дефекты приводят к развитию артериальной гипертензии. Такой подход требует разработку наиболее эффективных способов коррекции дисфункции ключевых мишеней кровеносных сосудов и создание принципиально нового поколения гипотензивных средств для адекватной профилактики и лечения артериальной гипертензии.

В Узбекистане созданию лекарственных средств для профилактики и лечения заболеваний сердечно-сосудистой системы на основе местного растительного сырья, отводится особое приоритетное значение. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важнейшие задачи направленные на «дальнейшее развитие фармацевтической промышленности и улучшение обеспеченности населения и медицинских учреждений доступными, качественными лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения, реализация мер по недопущению необоснованного роста цен на них»<sup>2</sup>. В реализации поставленных задач особую роль играют исследования, направленные на установление механизмов действия биологически активных соединений растительного происхождения с потенциальной фармакологической

<sup>1</sup> Rapsomaniki E, Timmis A, George J, et al. Blood pressure and incidence of twelve cardiovascular diseases: lifetime risks, healthy life–years lost, and age–specific associations in 1·25 million people. *Lancet*. 2014, vol 383, pp.1899–911.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП–4947. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

активностью для создания нового поколения лекарственных средств для профилактики и лечения артериальной гипертензии.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в вышеотмеченном Указе и Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 14 февраля 2018 г № ПП-3532 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли» и Постановлении Президента Республики Узбекистан от 6 мая 2019 г № ПП-4310 «О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

